



Ислом Нури

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Яхшиларингиз Қуръонни таълим олган ва таълим берганларингиздир» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Қуръонни тажвид қоидаларига биноан ўқиб-ўрганиш ва яхшилаб ёд олиш Аллоҳ азза ва жалла яхши кўрадиган амаллар жумласидан, у билан жаннатдаги олий даражаларга эришилади, дунё ва охирада ҳурмат-эҳтиромга эга бўлинади.

Қуръон ўқишга моҳир кишининг ажри уни қийналиб ўқийдиган кишидан кўра анча кўп. Қийналиб ўқийдиган одамга икки ажр берилиши таъйинланган бўлса, моҳир одамнинг ажри белгиланмаган ҳолда унинг мартабаси юқори бўлиши айтилган. Бу ҳадисни гоҳилар нотўғри тушунади ва қийналиб ўқиганга икки ажр экан, демак қийналиб ўқиган яхши экан, дейди. Бу нотўғри тушунча, ҳеч қачон қийналиб ўқийдиган одам моҳир одамдан афзал бўла олмайди. Ҳар ким Қуръонни ўқишда моҳир бўлишга ва улуғ зотлар билан бирга бўлишга интилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қуръон ўрганишнинг фазли, унга моҳир бўлган киши жаннатда улуғ зотлар билан бирга бўлиши;
2. У дунё ва охирада даражаларнинг юксалишига сабаб бўлиши.